

## Мисрнинг олтин дўконидаги ёнғинда Қуръонга ҳеч қандай зарар етмаган



04:00 / 29.07.2021 2635

Миср шимоли Ал-Ариш шаҳрининг Ал-Сағха кўчасида жойлашган олтин дўконида ёнғин содир бўлган. Бу ҳақда Балбалди веб-сайти хабар берди. Ёнғин оқибатида дўкон ичидаги барча жиҳозлар кулга айланган. Бироқ Аллоҳни инояти билан муқаддас китоб Қуръони Каримга ҳеч қандай талафот етмаган.

Ушбу ёнғинда дўконнинг барча жиҳозлари ёниб кулга айланган бўлса ҳам, Қуръоннинг бир қисми худди шу ускуна билан бирга, шиддатли иссиқнинг аниқ белгиларига қарамай, Аллоҳнинг китобига ёнғин яқинлашмаётганлигини кўрсатиш учун муқовада сақланган.

Хабарда айтилишича, Мисрнинг Ал-Ариш шаҳридаги ушбу олтин дўконидаги ёнғин сабаби ҳали ҳам номаълум. Воқеада ҳеч ким жабрланмаган.

***Хуршид Маъруф тайёрлади***